



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

11 (49) 2022

**Сопредседатели редакционной
коллегии:**

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
Т.А. АСКАРОВ
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
С.И. ИСМОИЛОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Б.Т. РАХИМОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВЕВ
С.А. ГАФФОРОВ
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВЕВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
М.Ш. ХАКИМОВ
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com>

E: ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

**ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН
НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ
NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал

Научно-реферативный,

духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

11 (49)

2022

ноябрь



Received: 09.10.2022
Accepted: 20.10.2022
Published: 10.11.2022

УДК 616.31-02

ФУНКЦИОНАЛ ДИСПЕПСИЯ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАРДА ЯЛЛИГЛАНИШЛИ ПАРАДОНТАЛ КАСАЛЛИКЛАР ДИАГНОСТИКАСИДА ЦИТОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Шадиева Ш.Ш., Ҳабибова Н.Н.

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

✓ Резюме

Тадқиқолт ўтказилган беморларда функционал диспепсия (ФД) эпигастрал соҳада озриқ ва ачишиш, овқатдан кейин эпигастрал соҳада тўйиш ҳисси, эрта тўйиш, сўнгги уч ой ичида беморда кузатилган ноқулайлик ҳисси (жами шикоятлар оралиғи камида 6 ой), органик патология мавжуд беморлар бундан мустасно асосий тадқиқот гуруҳига киритилган.

Калит сўзлар: функционал диспепсия, Ҳ.Пйлори, эпигастрал озриқ синдроми (ЕОС)

ПРИМЕНЕНИЕ ЦИТОЛОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ В ДИАГНОСТИКЕ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ ПАРАДОНТА У БОЛЬНЫХ ФУНКЦИОНАЛЬНОЙ ДИСПЕПСИЕЙ

Шадиева Ш.Ш., Ҳабибова Н.Н.

Бухарский государственный медицинский институт им. Абу Али ибн Сино Узбекистан

✓ Резюме

Обследованна группа больных с функциональной диспепсией (ФД) боль и жжение в эпигастральной области, чувство распирания в эпигастральной области после еды, раннее насыщение, чувство дискомфорта, наблюдающееся у больного в течение последних трех месяцев (общий интервал жалоб не менее 6 месяцев), органическая патология, за исключением.

Ключевые слова: функциональная диспепсия, Н. pylori, эпигастральный болевой синдром (ЭБС).

APPLICATION OF CYTOLOGICAL STUDIES IN THE DIAGNOSTICS OF INFLAMMATORY PARADONTAL DISEASES IN PATIENTS WITH FUNCTIONAL DYSPEPSIA

Shadieva Sh.Sh., Habibova N.N.

Bukhara State Medical Institute named after Abu Ali ibn Sina, Uzbekistan

E-mail:shodiya_shodieva@mail.ru

✓ Resume

A group of patients with functional dyspepsia (FD) was examined, pain and burning in the epigastric region, a feeling of fullness in the epigastric region after eating, early satiety, a feeling of discomfort observed in the patient over the past three months (total interval of complaints is at least 6 months), organic pathology, with the exception of.

Key words: functional dyspepsia, H. Pylori, epigastric pain syndrome (EOS)



Долзарблги

Хозирги кунда ошқозон ичак тракти функционал диспепсия мавжуд беморларда пародонт ҳолати ва оғиз бўшлиғида индивидуал гигиена даражаси ўртасида яқин боғлиқлик белгиланган. Функционал диспепсия мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи гигиенаси паст даражада бўлганида юмшоқ ва қаттиқ тиш карашлар тишларнинг бўйин соҳаси ва тишлар орасида тўпланиб, милкнинг яллиғланиши тиш-милк мустаҳкамлигининг бузилишидан бошлаб, жағ тўқимасида оғир деструктив жараён ривожланишигача бўлган бутун пародонтал комплекс деструкцияланиши механизмининг ишга тушишига олиб келади. Функционал диспепсия мавжуд беморларда пародонт касалликларини даволаш муаммоси ҳозирги кунга қадар аҳамиятли бўлиб қолмоқда.

Функционал диспепсия мавжуд беморларда оғиз бўшлиғи гигиенасига бағишланган кўп сонли мақолалар ва замонавий бозорда турли-туман гигиена воситалари мавжудлигига қарамадан, аҳолининг катта қисмда оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда. Функционал диспепсия мавжуд беморларда пародонт касалликларини ташхиси учун очик усуллардан бири милк шиллик қаватининг изларини цитологик ўрганиш ҳисобланади.

Функционал диспепсия мавжуд беморларда адабиётларда асосан катта ёшли аҳолида шиллик қаватнинг цитологик характеристикаси ёритилган. Гарчи катта ёшли беморларда милк изини цитологик ўрганиш милк шиллик қавати ҳолатини баҳолашнинг бош кўрсаткичларидан бири ҳисоблансада, мазкур муаммо жуда суст ўрганилган. Беморларда пародонт касалликларининг ташхиси ва профилактикасининг самарадорлигини ошириш учун ҳозирги кунда цитологик тадқиқот даволаш стоматологиясида долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Аввал пародонт юмшоқ тўқималарининг цитологик тадқиқотини назорат гуруҳининг соғлом инсонларда ўтказдик (Функционал диспепсия мавжуд бўлмаган). Тадқиқот натижасида пародонт юмшоқ тўқималарининг қуйидаги цитологик тавсифи белгиланди. Соғлом инсонлар пародонтида 86,64% эпителиал ҳужайралар мавжудлигини аниқладик, ундан 41,53% дағал ядросиз эпителиал ҳужайралар, тангача шаклида эпителиал ҳужайралар, 45,11% тикансимон қаватнинг ядроли ҳужайраларидан ташкил топган (1.1-жадвал).

1.1-жадвал


Назорат гуруҳининг соғлом инсонларда (Функционал диспепсия мавжуд бўлмаган) пародонт юмшоқ тўқималари изларининг цитологик кўрсаткичлари

Ҳужайра элементларнинг цитологик сурати	Назорат гуруҳи
Эпителий	86,64±2,47
Базал	-
Тикансимон қаватнинг ядроли ҳужайралари	45,11±2,2
Дағал ядросиз	41,53±1,41
Цитопатология аломатлари билан	0,59±0,03
Вакуолизацияланган цитоплазма	0,18±0,01
Деформацияланган ядро	0,15±0,01
Базофил кўшимчалар	0,07±0,05
Контаминланган	0,17±0,02
Фагирланган	0,02±0,002
Боғловчи тўқимали	18,86±0,98
ПМЯХ	15,78±0,99
Шикастланмаган моноцитлар	1,65±0,10
Очик ядроли моноцитлар	1,43±0,10

Эслатма: бу ва бошқа жадвалларда * - бошқа ёш гуруҳларига нисбатан ишончли фарқ белгиланган ($P < 0,05$).

Микдор бўйича иккинчи ўринда боғловчи тўқимали ҳужайраларни келтириш мумкин, улар эпителий ҳужайралари билан таққослаганда сезиларли даражада кам бўлиб, 18,86% ни ташкил қилди (1 жадвал). ПМЯХ микдори 15,78% ни, шикастланмаган моноцитлар 1,65% ни, очик ядроли моноцитлар – 1,43% ни ташкил қилди. Цитопатология аломатлари бўлган эпителиал ҳужайраларнинг минимал микдорини айтиб ўтиш мумкин – 0,59% га тенг. Шунингдек

вакуолизланган цитоплазмали хужайралар - $0,18 \pm 0,01\%$, деформацияланган ядрога эга хужайралар $0,15 \pm 0,01\%$, базофил кўшимчали хужайралар $0,07 \pm 0,005\%$, фагирланган - $0,02 \pm 0,002\%$, кантомирланган микроорганизмли хужайралар $0,17 \pm 0,02\%$ белгиланди (1.1-расм).



1.1-расм.Назорат гуруҳининг соғлом инсонларда (Функционал диспепсия мавжуд бўлмаган) пародонт юмшоқ тўқималари изларининг цитологик кўрсаткичлари диаграммаси.

Бунда, назорат гуруҳида ҳам цитологик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили пародонт юмшоқ тўқималарида цитологик изларнинг ўрганилаётган барча кўрсаткичлари бўйича деярли бир хил кўрсаткичлар берганлигини айтиб ўтиш лозим (1.1-расм). Фарқ бир-бирига жуда яқин ва ишончли эмас ($P > 0,05$). Бу назорат гуруҳида кўрсаткичларнинг суммаси бўйича кейинги тадқиқотлар ўтказилиши асос бўлиб хизмат қилди.

1.2- жадвал

Функционал диспепсия мўтадил ва кучли ифодаланган беморларда пародонт юмшоқ тўқималаридан олинган суртмаларнинг цитологик кўрсаткичлари

Хужайра элементларнинг цитологик сурати	ФД мўтадил ифодаланган	ФД кучли ифодаланган
Эпителлий	71,43±2,43	69,71±2,40*
Базал	-	-
Тикансимон қаватнинг ядроли хужайралари	38,17±1,53	37,56±2,27
Дағал ядросиз	33,26±1,70	32,15±1,19*
Цитопатология аломатлари билан	1,46±0,04	1,71±0,03*
Вакуолизацияланган цитоплазма	0,35±0,01	0,46±0,02*
Деформацияланган ядро	0,49±0,03	0,51±0,01*
Базофил кўшимчалар	0,09±0,01	0,05±0,003*
Контаминланган	0,38±0,02	0,47±0,02*
Фагирланган	0,15±0,004	0,22±0,01*
Боғловчи тўқимали	43,56±1,69	48,14±2,33*
ПМЯХ	37,40±1,63	41,57±2,25*
Шикастланмаган моноцитлар	2,87±0,15	2,93±0,14*
Очiq ядроли моноцитлар	3,29±0,19	3,64±0,38*


Эслатма: * - Функционал диспепсия мўтадил ва кучли ифодаланган ўртасида ишончли фарқ белгиланган ($P < 0,05$)

Цитологик тадқиқотлар давомида кўпчилик функционал диспепсия мавжуд беморларда (56,7%) кўринишдан клиник соғлом пародонтда ПМЯХ, очик ядроли ва шикастланмаган моноцитларнинг фоиз микдорининг ортиши, боғловчи тўқима хужайралар орасида цитоплазма билан вакуолизланган, шунингдек деформацияланган ядро ва базофил цитоплазмали хужайраларнинг ортиши каби баъзи кўрсаткичларнинг ишончли ўзгариши белгиланди (2.2-расм).



2.2-расм. Функционал диспепсия мўтадил ва кучли ифодаланган беморларда пародонт юмшоқ тўқималаридан олинган суртмаларнинг эпителий тўқимаси цитологик кўрсаткичлари диаграммаси

Цитологик тадқиқотдан олинган маълумотлар клиник намоён бўлмайдиган маргинал пародонтнинг яллиғланиш реакциялари аломатлари борлигидан гувоҳлик беради. Эҳтимол, бу Функционал диспепсия мавжуд беморларда касаллигини даволашида ошқозон яллиғланишга қарши ва гормонал препаратларнинг узок вақт қабул қилиниши билан боғлиқ. Назорат гуруҳининг соғлом инсонларда (Функционал диспепсия мавжуд бўлмаган) цитологик кўрсаткичлари Функционал диспепсиянинг мўтадил ва кучли ифодаланган беморлар билан таққосланганда, милкларидан олинган цитологик изнинг ўртача кўрсаткичлари билан мос бўлмади, бу пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш реакциясининг кечувига бу тадқиқот усулининг юқори таъсирчанлигини кўрсатади (3.3-расм).



3.3-расм. Функционал диспепсия мўтадил ва кучли ифодаланган беморларда пародонт юмшоқ тўқималаридан олинган суртмаларнинг Цитопатология аломатлари билан цитологик кўрсаткичлари диаграммаси



4.4-расм. Функционал диспепсия мўътадил ва кучли ифодаланган беморларда пародонт юмшоқ тўқималаридан олинган суртмаларнинг боғловчи тўқимали цитологик кўрсаткичлари диаграммаси

Шундай қилиб, Функционал диспепсиянинг мўътадил ва кучли ифодаланган беморларда пародонт ҳолатининг ўрганилиши назорат гуруҳи билан таққослаганда цитологик тадқиқотда ишончли аҳамиятли ўзгаришларни аниқлаб берди. Беморларда цитологик кўрсаткичлар пародонтнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш-деструктив ўзгаришларнинг мавжудлиги ва устунлигини аён тарзда кўрсатди ва исботлади (4.4-расм).

Назорат гуруҳидагиларда милк изларининг цитологик кўрсаткичлари билан таққослаганда Функционал диспепсия мавжуд беморларда мос келувчи цитологик кўрсаткичларнинг қиёсий характеристикасини ўрганиш назорат гуруҳи билан таққослаганда беморларнинг цитограмма параметрларида сезиларли ўзгаришлари аниқлаб берди (2.2-жадвал). Шундай қилиб, эпителиал хужайраларнинг хужайра пуласида, ҳам мўътадил ФД, ҳам кучли ФД да юқори ишончли камайиши белгиланди, бунда иккала ўрганилаётган ёш гуруҳларида кучли ФД шаклда кўпроқ ифодаланди. Эпителиал хужайралар миқдорининг ишончли камайиши фонида цитоплагия ҳодисалари билан патологик ўзгарган эпителиал хужайраларнинг юқори ишончли ортиши аниқланди. Агар мўътадил ФД да бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи билан таққослаганда 2,4 марта ошган бўлса, 2,37 марта ошди. Кучли ФД да бу кўрсаткичлар янада ортиди ва мос равишда 2,98; 3,01 марта ошди. Меъёрда вакуолизирланган цитоплазмали хужайралар 0,18% га тенг бўлди, мўътадил ФД 1-0,35% га, 2-гуруҳда – 0,41 га, бу меъёрдан мос равишда 1,9 ва 2,67 марта юқори.

Шунингдек, Функционал диспепсия мавжуд беморларнинг цитограммаларида боғловчи тўқималарнинг хужайра элементларининг сезиларли ортиши кузатилди, соғлом инсонлар билан таққослаганда мўътадил ФД да мос равишда 2,31 ва 2,4 марта. Мўътадил ФД да ўсган ПМЯХ яллиғланиш инфилтрата хужайраларининг миқдори ортишини алоҳида айтиб ўтиш лозим, 2,37 марта (мос равишда 37,45% га қарши 15,78%, $P<0,01$), 22,4 марта (мос равишда 37,91% га қарши 15,78%, $P<0,001$), шикастланмаган моноцитлар 1,7 марта, 1,6 марта, очиқ ядроли моноцитлар – 2,27 марта, 2,1 марта.

Бундай цитологик сурат кучли ФД да ҳам кузатилади. Беморларда яллиғланиш индексининг қиймати сезиларли, ишончли юқори бўлди ($P<0,01$) назорат гуруҳидагиларга нисбатан мўътадил ФД қиймати 3,7 ва 3,8 марта ва тизимли шаклида 3,9 ва 4 марта, бу Функционал диспепсия мавжуд беморларнинг пародонтининг юмшоқ тўқималарида етарлича ифодаланган яллиғланиш жараёни мавжудлигидан дарак бермоқда. Биз олган маълумотлар милкнинг цитологик маълумотларига кўра Функционал диспепсия мавжуд беморларнинг сурункали катарал гингивит ривожланишининг мавжудлигини кўрсатувчи цитологик мезонлар келтирилган адабиётлар билан мос.

Хулоса

Шундай қилиб, милк изларининг цитологик тадқиқотидан олинган маълумотларнинг таҳлил қилиниши, беморларда СКГ ривожланишига ҳос турли хужайра элементларининг сезиларли ўзгаришини кўрсатмоқда. Функционал диспепсия мавжуд беморларнинг визуал кўриқдан ва бошқа пародонтологик тестлардан ўтказишда СКГ клиник ёмон намоён бўлади, бу эҳтимол, беморлар асосий касаллиги Функционал диспепсияни даволашда препарат ва гормонларни катта дозада қабул қилишлари билан боғлиқ.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Khabibova N.N. Characteristic features of free-radical processes and antioxidant protection in the oral cavity during chronic recurrent aphthous stomatitis // *European Science Review*. - 2018. - P. 191-193.
2. Khabibova N.N. Changes in biochemical and immunological indicators mixed saliva of patients with chronic recurrent aphthous stomatitis // *European journal of pharmaceutical and medical research*. -2018. - (5) 11. - P. 143-145.
3. Хабибова Н.Н. Клинико-биохимические особенности течения псевдоаллергических вариантов хронического рецидивирующего афтозного стоматита // *Проблемы биологии и медицины*. - 2018. - № 4 (104). - С. 220-222.
4. Хабибова Н.Н., Саидов А.А., Саидова М.Р. Сурункали рецидивирловчи афтозли стоматитда липидларни перекис оксидланишини ўзига ҳос хусусиятлари ва оғиз бўшлиғи антиоксидант химоясининг ҳолати // *Тиббиётда янги кун*. - 2018. - № 3 (23). - Б. 61-63. <https://newdaymedicine.com/index.php/2018/10/13/3-23-2018/>
5. Хабибова Н.Н., Вахидова М.А. Оценка защитной системы слизистой оболочки ротовой полости при хроническом рецидивирующем афтозном стоматите // *Вестник ТМА*. -2019. -№ 3. - С. 131-133.
6. Хабибова Н.Н., Хабилов Н.Л. Роль адгезивных молекул в развитие афтозного стоматита // *Stomatologiya*. Ташкент. -2019. - № 3. - С. 32-36.
7. Khabibova N.N. Clinical characteristics of patients with recurrent aphthous stomatitis // *Annals of international medical and dental research*. - 2019. - Vol. 5. Issue 5. - P. 64-66.
8. Khabibova N.N., Khabilov N.L. Evaluation of vascular tissue disorders and regional bleeding by prchronic redicated prepared atphosis // *New Day in Medicine* 3(27)2019 262-265 <https://cutt.ly/KbxVvO6>
9. Khabibova N.N., Khadjimetov A.A. Some occurrence aspects of chronic recurrent aphthous stomatitis of the oral cavity // *Global Journal of Medical, Physical and Health Education*. - 2019. - Vol. 7 (3). - P. 284-286.
10. Khabibova N.N. Characteristic features of the biochemical indicators of mixed saliva in patients with chronic recurrent aphtosis stomatitis // *Global Science Research Journals*. - 2019. - Vol. 7 (8). - P. 521-526.
11. Norova M.B., Olimova D.V., Morphometric parameters of maxillofacial region of healthy children, their compliance with the law of the golden ratio and the definition of symmetry // *New Day in Medicine* 2(30)2020 472-474 <https://cutt.ly/RvICtIJ>
12. Khabibova N.N., Olimova D.V., Norova M.B., Treatment of initial forms of caries by the method infiltration// *New Day in Medicine* 4(32)2020 339-341 <https://cutt.ly/HzwLk7P>
13. Habibova N.N., Olimova D.V. Features of clinical manifestations, diagnostics and treatment of glossalgia // *New Day in Medicine* 6(38)2021 96-98 <https://cutt.ly/mYy62sZ>
14. Олимова Д.В. Актуальность вопросов диагностики и лечения глоссалгии в клинике терапевтической стоматологии. // *Образование и наука в XXI веке*. -2021. - № 20 (том 4). - с. 172-176
15. Хабибова Н.Н., Олимова Д.В. The efficiency of glossalgia and stomatalgia complex treatment. // *Электронный научный журнал «Биология и интегративная медицина»* № 6 – ноябрь-декабрь (53) 2021. - С. 374-379.

Қабул қилинган сана 09.10.2022

